



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ҳурматни
кутишдан
аввал унга
муносиб
эканингиз
ҳақида ўйлаб
кўринг

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 13-oktyabr, seshanba, 115 (23.395)-son



Халқ дардини эшитмайдиган маҳалла раислари вазифасига нолайиқ

Сайёр қабул

– Вилоятимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни яқини етказилган, – дейди «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти техник директори ўринбосари Валижон Қиличев. – Режадаги ишлар тўлиқ бажарилган. Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналаримиз мунтазам равишда фаолият олиб борса, узлишлар бўлмалиги мумкин. Шунингдек, узлишларнинг олдини олиш мақсадида четдан, яъни Туркменистон давлатидан электр энергиясини сотиб олиш учун шартномалар имзоланган ва қўзда тутилган. Аммо барибир электр энергиясида узлишлар бўлиши мумкин. Бу фуқаролар ўйларини иситишда электр энергиясидан меъридан ортиқ фойдаланиши оқибатида, қувват етишмаслиги сабабли юзага келадиган авариялар хисобидандир.

10 октябрь куни Самарқанд шаҳридаги Ватанпарвар маҳалласида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг навбатдаги сайёр қабули ўтказилди.

Қабул давомида фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш ва уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди. Мурожаатлар асосан уй-жой, ишга жойлашиш, банкдан кредит олиш, табиий газ, электр энергияси таъминоти, йўлларни таъмирлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик соҳасидаги муаммолар билан боғлиқ бўлди.

Қарийб 7 соат давом этган қабулда мурожаатларнинг аксариятига шу ернинг ўзида жавоб изланди, муддат талаб этиладиган масалаларга масъуллар бириктирилиб, вилоят ҳокимлиги томонидан ижроси назоратга олинди. Асоссиз мурожаатлар рад этилди.

– Ҳам, турмуш ўртоғим ҳам болаликдан ногиронимиз, – дейди Сергей Бададян. – Икки йил ол-

дин Самарқанд шаҳридаги ётоқхона биноси мослаштирилиб, биз каби уйга муҳтожларга бошпана сифатида берилган. Аммо бу уйдаги кўп хоналар бўш турибди. Бизга яшаш ҳуқуқи берилган бир хонага уйимизни эҳтиёж сабаб бўш турган икки хоналикка алмаштириб беришни сўраб вилоят ҳокимига мурожаат қилдим. Бунинг учун мутасаддиларга топшириқ берилди.

Кўпчилики қийнайдиган масала бу куз-қиш мавсумида иссиқлик таъминоти, табиий газ ва электр энергиясидаги муаммолар. Қабулга келган фуқароларнинг аксариятини қизиқтирган савол шу бўлди: «Совуқ кунларда шаҳардаги иссиқлик тизими, табиий газ босимининг паст бўлишига қўйилганми, ҳеч бўлмаса электр энергиясида узлишлар бўлмайми?»

Сайёр қабулда кўп қарорлар маҳалланинг ўзида ҳал этиладиган муаммолар билан ҳам вилоят ҳокими ва сектор раҳбарларига мурожаат қилди. Э.Турдимов ўз маҳалласидаги муаммоларга эътибор қаратмайдиган, халқ дардини эшитмайдиган маҳалла раислари вазифасига нолайиқлигини айтди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,
Ҳусан ЭЛТОЕВ (фото).**

Мақсад – аёлларимизни ҳимоя қилиш, ҳуқуқларини кафолатлаш

Вилоят ҳокими Э.Турдимов кеча журналист ва блогерлар иштирокида навбатдаги матбуот анжуманини ўтказди. Бу гапги тадбирда нафақат вилоятдаги, балки пойтахт ва юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар ҳам иштирок этди.

Э.Турдимов айна пайтда вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот берганидан сўнг, матбуот анжуманида асосан вилоят ҳокимининг ўтган ҳафта ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинган оқсоч аёлларга талаб ортиб бораётгани ва хотин-қизларни шу касбга ўқитиш ҳақидаги фикрлари ҳақида саволлар берилди.

– Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилганидан хабардорсиз, – деди Э.Турдимов шу ҳақдаги саволларга жавоб бераркан. – Мен ҳам меҳнат бозоридagi вазиятдан хабардор, одамларнинг бугунги ҳаёти билан яхши таниш раҳбар сифатида ўз тақлифларимни билдирдим. Жумладан, оқсочлар, яъни уй хизматчилари фаолиятини тартибга солиш, бу меҳнат билан шугулланаётган кишилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун уларни ўқитадиган, ҳимоя қиладиган марказлар ташкил этиш зарурлигини айтдим. Афсуски, буни ҳар ким ҳам хил талқин қилди.

Бу ўринда одамларнинг кўнглига оғир ботгани «оқсоч» сўзи. Лекин истаимизми-йўқми, бу фаолият билан шугулланувчилар аввал ҳам бўлган, бугун ҳам бор. Бадиий асарларда ёки тарихий китобларда ҳам бу сўз кўп учрайди. Бугун кўпроқ уй хизматчиси, энага деб номлаямиз, холос. Аммо, тан олайлик, қадимда бундай кишиларни ўша хонадон эгалари ўз яқинларидек қабул қилган бўлса, ҳозирда паст назар билан қараш, уларнинг шаъни, кадр-қимматини топташ ҳолатлари ўзимизда ҳам, хорижда ҳам қайд этилмоқда.

Шунинг учун ўшбу масалага эътибор қаратиб, оқсочларни тайёрлайдиган, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаган ҳолда хизматини тақлиф этадиган марказлар ташкил этиш тақлифини илгари сурдик. Бошқача айтганда, хизмат кўрсатишнинг мазкур йўналишига ҳам замонавий ёндашув лозим.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятимиздан 246 минг киши, жумладан, 72 минг 800 нафар хотин-қиз хорижда меҳнат фаолияти билан шугулланади. Уларнинг 75 фоизи Россияда бўлса, 7 мингга яқин опа-сингилларимиз Туркияда меҳнат қиладди. Бу аёлларнинг аксарияти уй хизматчиси, энага вазифасини бажаради. Буни яшириш керак эмас, тан олиб, уларнинг манфаатини ҳимоя қилишни ўйлашимиз керак.

Яна бир ёмон томони, ҳозирда оилаларга оқсоч, энага топиб беришни даромад манбаига айналтириб олган «тадбиркорлар» пайдо бўлган. Лекин уларнинг бу хизматининг ҳеч қандай қонуний асоси йўқ. Улар кимгадир оқсоч топиб бергани учун ҳақини олиб кетаверади, кейинги меҳнат муносабатлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Оқибатда бундан кўп ҳолларда иш берувчи – ўша оила ёки уларга хизмат кўрсатган уй хизматчиси, энага жабр кўрарти. Шунинг учун бу хизмат тури билан шугулланишни истовчи аёлларимизга ўз ҳуқуқларини ўргатиш, уй-рўзгор ишларини юритиш бўйича малакасини оширишни амалга оширувчи махсус марказлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бу фикр, тақлифни азиз аёлларимиз ҳимояси учун билдирдим. Биз бу соҳада тартиб ўрнатилишини, уй хизматчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини истаимиз.

Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида мазкур халқаро ташкилот ва мамлакатимиз тарихида илк бор ўзбек тилида нутқ сўзлашини ана шундай қабул қилиш мумкин.

Ўзбек тили байрами олдидан муносиб совға

Ўтган йил 21 октябрь куни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев 21 октябрни Ўзбек тили байрами куни деб эълон қилган, ўша куни «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги роли ва нуфузини тубдан ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» фармон қабул қилинган эди. 2020 йилнинг 10 апрель куни эса «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун имзоланди ва бу йил 21 октябрни илк бор ўзбек тили байрами сифатида нишонлайми.

Бу ўринда гап санани нишонлашдагина эмас, давлат тилининг жамиятдаги, ҳар бир инсон ҳаётидаги ўрнини ошириш, аҳамиятини тереңроқ ҳис қилишда. Зотан, бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, жумладан, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда ҳам давлат тили бўлган ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланилиб, халқаро мулоқот тилига айланмоқда. Хорижий мамлакатларда ўзбек тилини ўқитиш, ўрганишга эътибор кучаймоқда. Президентимизнинг БМТ минбаридан ўзбек тилида дунёга мурожаат қилиши эса бу борада яна бир дадил қадам бўлди.

Бу биринчидан, мамлакатда давлат тилига бўлган эътиборни намоеън этади.

Иккинчидан, сайёрамизда ўзбек тилида сўзлашувчилар кўпайиб бораётгани ҳамда уларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, халқаро мулоқотларда бу тилдан фойдаланиш лозимлигини аниқлатади.

Учинчидан, мамлакатдаги бошқа раҳбар ва мутасаддиларда ҳам давлат тилига ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлайди.

Албатта, бугунги кун ўз она тилидан бошқа тилларни, аввало халқаро тилларни ҳам пухта ўзлаштириш, билишни тақозо этади. Буюк маърифатпарвар Маҳмудўжа Бехбудий айтадигани, икки эмас, тўрт тил керак. Бугун бундан кўп тилларни билиш ҳам зиён қилмайди. Лекин биринчи навбатда давлат тилини ўрганиш ва бошқа тилларни ўз она тили орқали идрок қилиб, ўрганиш аввало миллий ўзлигини аниқлаш, аънава ва қадриятларини асраб-авайлашга хизмат қиладди.

**Ўқтам САИДУРОДОВ,
халқ депутатлари
вилоят Кенгаши депутати.**

Бизнинг суҳбат

АГРАР СОҲА

қачон етакчи тармоққа айланади?

Қишлоқ хўжалиги тармоғи ички истеъмол бозорини тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш билан бирга мамлакат иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутаяди. Дунё давлатларида ушбу тармоққа замонавий технологиялар жорий этилиб, ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳалари қаторига айланган. Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Зафар Эргашев билан суҳбатимиз вилоятимизда тармоқни янада ривожлантириш истиқболлари хусусида бўлди?

– Республикаимизда кейинги йилларда бошқа тармоқлар каби қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам жадал ривожланиб бормоқда, – дейди З.Эргашев. – Бугунги кунда соҳани янада ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, экспорт салоҳиятини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб, ҳукумат томонидан ушбу йўналишда аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Аҳолининг сифатли, арзон озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш

ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш долзарб масалага айланди. Ушбу масалани ҳал қилиш борасида вилоятда бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жорий йилда 13 та қайта ишлаш ва 18 та совуткичи омборхона лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, шундан 2 та қайта ишлаш ва 8 та совуткичи омборхона ишга тушди.

2-саҳифа >>>



Халқаро университетда танишув ҳафталиги

12 октябрь куни олий ўқув юртига 2020-2021 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган талабалар учун танишув-таништирув дарслари бошланди. 17 октябргача давом этадиган ўқишда дарслар аънавий шаклда олиб борилмоқда. Бунинг учун олий ўқув юртида алоҳида тайёргарлик кўрилган.

Жумладан, «Ипак йўли» туризм халқаро университетида танишув ҳафталиги «Келажак сари илдам қадамлар» мавзусидаги тадбирлар билан бошланди. Ҳафталик доирасида ўтказилган «Университетга хуш келибсиз!» номи тадбир давомида талабаларга мазкур олий ўқув юрти фаолияти, таълим берадиган профессор-ўқитувчилар яқиндан таништирилди.

– Олий ўқув юртимизга 2020-2021 ўқув йили учун 500 дан зиёд ёшлар талабаларига қабул қилинди, – дейди университет биринчи проректори Жўлибой Элтазаров. – Улар орасида ўзбекистонлик талабалардан ташқари Россия, Туркменистон, Тожикистон ва Қозоғистон давлатларидан ҳам ёшлар бор. Бу ерда улар 12 таълим йўналиши бўйича тахсил олади. Талабаларга дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг ҳам кўпчилиги

дунёнинг нуфузли олий ўқув юртиларидан тақлиф қилинган. Шунингдек, хорижий давлатларда туризм йўналишидаги университетларда фаолият олиб бораётган ўзбекистонлик ёш мутахассисларни 10 миллион сўмдан кам бўлмаган маош билан ишга жалб қилдик.

– Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур халқаро университет талабаси бўлганидан хурсандман, – дейди анджелик Гулноза Эсонова. – Таълим ассасаси билан танишар эканман, бу ерда дарслар инглиз тилида олиб борилишини эшитиб, ўзимни хорижнинг нуфузли университетларидан бирининг талабасидек ҳис қилдим. Бизга яратилган имкониятлардан фойдаланиб, қўшдиплом таълим дастури асосида ўқишимни Хитойдаги туризм университетида давом эттириш ниятим бор.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

ТАЙИНЛОВ

МИРЗОЕВ Ҳаёт Фазлиддинович – Самарқанд вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

АГРАР СОҲА

Ҷачон етакчи тармоққа айланади?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Чорвачилик тармоқлари бўйича қиймати 436,8 миллиард сўмлик 145 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Хусусан, қорамолчиликда 53, қўйчиликда 8, паррандачиликда 40, қўёнчиликда 14 ва балиқчиликда 30 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётди. Бунинг натижасида қўшимча 4,3 минг бош насли чорва моллари, 2 минг бош қўй, 8,5 минг бош қўён, 3,2 миллион бош парранда парваришланмоқда, 89 гектар майдонда балиқчилик ҳавзалари ташкил қилинади.

Шунингдек, вилоятимизда боғдорчилик, узумчиликни ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, совуқтички сиғимлар, агрокластерлар ташкил қилишни ўз ичига олган 535,6 миллион сўмлик 28 та янги лойиҳа ишлаб чиқилган.

Лойиҳалар ташаббускорларнинг ўз маблағи, банк кредити ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштирилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобидан 841 та янги иш ўрни яратилади.

- Пандемия даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, соҳага илғор технологияларни кенг қилиш ва соҳани интенсификация қилиш бўйича қандай чоралар кўрилмақда?

Жорий йилда вилоятимизда фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари томонидан 92,7 минг гектар ерда, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 78,7 гектарда полив-сабзавот, картошка, мева, узум етиштирилмоқда. Вилоятнинг деярли барча туманларида интенсив боғдорчилик йўлга қўйилди. Каттақўрғон тумани балиқчиликка ихтисослаштирилиб, йил охирига қадар 5 гектар интенсив сув ҳавзалари ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илғор технологияларни жорий этиш, ресурсларни тежаш, ҳосилдорликни кўтариш ва қўл меҳнатидан фойдаланишни камайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда туманлардаги 10 та пахта-тўқимачилик кластер корхоналари томонидан 31 дона 4 хил турдаги

замонавий пахта териш машиналари келтирилиб, иш бошлади. Тажрибалар ва ҳисоб-китоблардан келиб чиққан ҳолда 10 гектардаги пахта ҳосилини териб олиш учун ўртача 36,7 миллион сўм сарфланади. Шунча майдондаги ҳосил пахта териш машинаси ёрдамида терилганда ҳаражат 26,2 миллион сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, қўл кучи ва ортиқча ташкилий ишларга эҳтиёж қолмайди.

Ғалла экиш учун Туркияда ишлаб чиқарилган юқори унумли аниқ экиш сеялқалари харид қилинди. Вилоятда 2021 йил ҳосили учун очик майдонларга ғалла фақат замонавий сеялқалар ёрдамида экилади.

- Исроил, Туркия давлатларида сув тежовчи технологиялар ёрдамида пахтанинг гектаридан 50-70 центнергача, помидордан 500 центнергача ҳосил олинади. Еримиз унумдор, шундай технологиялардан фойдаланаётган бўлса-да нега бизда ҳосилдорлик ҳаётида қолди?

Томчилатиб сугориш технологияси асосида қишлоқ хўжалик экинларини парваришlash юртимизга кириб келганига кўп бўлмади. Пахта етиштиришда бу технологиядан 2018 йилдан бошлаб фойдаланилган бу тан олишимиз керак, бу борада маҳаллий мутахассислар жуда кам, бу эса натижага таъсир этмай қолмайди. Шундай бўлса-да, айрим жойларда ҳосилдорлик ҳаёти кўрсаткичларига яқинлашди. Ҳозирда вилоятимиздаги 21 минг 599 гектар майдон томчилатиб, (6067 гектар пахта, 10 минг 853 гектар боғ, 2768 гектар узум), 120 гектар майдон (сабзавот ва бошқа экинлар) ёмғирлатиб сугорилмоқда. Жорий йилда 4788 гектар майдонда 95,3 миллиард сўмлик сув тежовчи технологиялар ўрнатишни режалаштирилган, амалда эса бугунги кунгача 5714 гектарда (режага нисбатан 119 фоиз, 2019 йилга нисбатан 1408 гектарга кам) шундай замонавий технологиялар жорий этилди.

Мисол учун, Нарпай туманидаги "MAROQAND SIFAT" масъулияти чекланган жамияти пахта-тўқимачилик клас-тери томонидан бириктирилган пахта майдонида 2019-2020 йилларда 2006 гектар ерда томчилатиб сугориш технологияси жорий қилинди. Тумanning сув бориши



оғир бўлган ҳудудларида ўрнатилган технология ёрдамида ўртача 20-25 центнер ҳосил олинган майдонлардан ҳозирда 30-35 центнер пахта етиштирилмоқда.

2021 йилда 21 минг 474 гектар майдондан сув тежовчи сугориш технологияси амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

- Бу йил ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин экиб даромад олиш мақсадида кам таъминланган фуқароларга ер ва кредит асосида картошка уруғлари берилди. Аммо хориждан келтирилган уруғнинг нархи қиммат ва аксарияти сифатсиз чиқди. Бунинг сабаби нимада?

Жорий йилда ғалладан бўшаган 10 минг 128 гектар майдонда такрорий экин сифатида картошка экилди. Жумладан, хориждан келтирилган 8946 тонна уруғ 2982 гектар майдонга экилган эди. Картошка уруғлари келтирувчи импортёрлар билан шартнома тузиш бўйича вилоят ташкилотларидан марказлашган таклиф ёки тавсия туманларга берилмаган, импортёрлар ҳудудларда мустақил танланиб, шартномалар тузилган.

Жумладан, "Самарқанд картошкачилик маркази", "Бананза Трейд Экспорт", "Шўрчи-Агро-Тайёрлов", "Абиркул агро тайёрлов", "Самголд" масъулияти чекланган жамиятлари ва "John Exim Company" каби корхоналари томонидан хориждан картошка уруғлари келтирилган.

2019 йилда четдан келтирилган картошка уруғларининг 90 фоизга яқини чириб, фермерлар катта миқдорда иқтисодий зарар кўрган эди. Бу йил импорт қилинган картошка уруғининг 406 тоннаси ёки 4,5 фоизи чириган ва ҳосил олишга яроқсиз бўлиб чиқди. Мазкур ҳолат юзасидан прокуратура органлари томонидан "Самголд" масъулияти чекланган жамияти раҳбарига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ сўхбатлашди.



Депутат анкетаси

1. Сайлов округингизда 2020 йилда қандай лойиҳалар режалаштирилган? Улар ижросига киририлганими?
2. Депутат сифатида бевосита ўзингиз сайланган сайлов округида маҳалла ёки меҳнат жамоасида қандай тадбир ўтказдингиз?
3. Сиз томонингиздан юборилган охириги депутатлик сўровининг мазмуни ва натижасини шарҳланг.

Пайариқда янги лойиҳалар кўп

1. Жорий йилда Янги ҳаёт маҳалласида 11 миллиард 55,8 миллион сўм маблағ асосида 3 та 4 қаватли 72 хонадонли арзон уй-жой қурилмоқда.



Мирзо Улуғбек маҳалласидаги 78-умий ўрта таълим мактаби мукаммал таъмирланяпти. Қумчуқ маҳалласида 120-ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилмоқда. Сарбозор маҳалласида 1 миллиард 500 миллион сўмлик лойиҳа асосида 100 ўринли "Юлдузча НТМ" мактабгача таълим ташкилоти қуриб, фойдаланишга топширилди.

Тегишли дастур доирасида Полвонарик маҳалласида "Регистон шарқ меъмор" МЧЖ томонидан қиймати 1 миллиард 200 миллион сўмлик паррандачилик хўжалиги фаолияти йўлга қўйилмоқда. Фитрат маҳалласида "Чопоршли замини" фермер хўжалиги томонидан қиймати 700 миллион сўмлик узум боғи ташкил этилди. "Буюк замин инони" фермер хўжалигининг 15 миллиард 596 миллион сўм маблағи асосида томчилатиб сугориш усулида ташкил қилган ёнқозориди 20 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. "Walnut Growth" МЧЖ томонидан ҳам қиймати 5 миллиард сўмлик худди шундай лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бунёдкор маҳалласида "SHAXZODA QANDOLATCHILIGI" МЧЖ томонидан 1 миллиард 332 миллион сўмлик лойиҳа асосида ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва қадоқлаш фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, худудда сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш мақсадида иккита хусусий тиббий марказ очилди.

2. Сайлов округимиздаги 18 маҳаллада 11 минг 578 та хонадон мавжуд. Қарийб 65 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Улар билан учрашувларда 65 та мурожаат рўйхатга олинган. Мурожаатларнинг 9 таси электр таъминоти, 12 таси табиий газ, 4 таси ичимлик суви масаласида. 5 та шифохонада бепул даволаниш, 4 та моддий ёрдам, 7 та уй-жойини таъмирлаш ва 1 та йўл кесимасига светофор ўрнатишда амалий ёрдам сўраб мурожаат бўлган. Фуқаролар ҳужжати олиш бўйича 3 та, уй-жойларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича 1 та, тикув машинаси сўраган 14 та, иш билан таъминлаш ва бошқа турли масалаларда 5 та мурожаат қўриб чиқилган.

Ушбу мурожаатларнинг барчаси қонун доирасида қаноатлантирилди.

3. Жорий йилнинг ўтган даврида 12 та депутатлик сўрови юборилган. Охириги депутатлик сўровим Пайариқ тумани электр таъминоти корхонасига 28 августда юборилган.

Унда тумандаги Полвонарик, Улуғбек ва Эрнарқўрғон маҳаллаларидаги эски симёғочларни янги сизга алмаштириш сўралган. Жавобда бу ишни 2021 йил дастурига киритиш режалаштирилаётганлиги билдирилган.

Нилуфар НУРМАТОВА, 21-Пайариқ сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати.

Бизнес-омбудсман аралашгач, тадбиркорга кредит ажратилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсман) га давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш амалга оширилаётганда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бошқа бир қатор вазифалар юклатилган.

Бизнес-омбудсманнинг вилоятимизда фаолият юр-туви ҳодимлари ҳам ушбу вазифалардан келиб чиқиб ҳамда тадбиркорларнинг мурожаатлари асосида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида бизга тадбиркорлик субъектларидан 231 мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатларнинг 61 таси қаноатлантирилди, 140 тасига

тегишли тартибда ҳуқуқий тушунтириш берилди, 20 мурожаат тегишлилигига кўра бошқа идораларга юборилди.

Мурожаатларнинг 30 фоизи ер ва бинолар билан боғлиқ масалаларга, 12 фоизга яқини солиқ муносабатларига, 8 фоизи шартномавий муносабатларга, 5 фоиздан ортиғи кредит ва банклар фаолиятига тегишли бўлди. Жумладан, "Агро голден финанс" масъулияти чекланган

жамияти бир неча ойдан буён "Микрокредитбанк" Каттақўрғон шаҳар филиали томонидан кредит берилмай келаятигани ҳақида мурожаат қилди. Мурожаат белги-ланган тартибда ўрганилиб, тадбиркорга қисқа муддатда 2,5 миллиард сўм миқдориди кредит ажратиш чораси кўрилди. Худди шундай мурожаат асосида шу банк муассасасидан "Уста Аминжон инвест" МЧЖга ҳам 750 миллион сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Шодибек ХАМРОЕВ, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг Самарқанд вилотида фаолият кўрсатувчи етакчи инспектори.



Қалтак еб, мурожаат қилмай юрган аёллар ҳимояга олинмоқда

Эшак қарсиллади, деразанинг чарсиллаб сингани эшитилди. Аввал эркак кишининг бўғиқ овози, кейин аёлнинг чинқираб йиғлагани эшитилди. Бир пасда ғала-ғовур, тўс-тўполон бўлиб кетди. Қўни-қўшнига ҳам эшитилди бу овозлар. «Эҳ, яна шу келин таёқ еди шекилли...» - дея ичидан зил кетди ён қўшнининг. - Қачонгача давом этаркан, бу бечорага кун бормикан» дея хўрсиниб қўйди.

Эрталаб туриб, маҳаллага борди. - Опа, шу қўшнимиз хотинини тез-тез уради. Мени айтганимни айтмангиз, лекин нимадир қилиш керакми, дейман-да, майиб қилиб қўйсачи?! - Доим урадимиз? - Охириги пайтлар тез-тез такрорланяпти. Бечора келиннинг дарди ичида. Ҳеч кимга айтолмайди. Айтса, қайнонаси яшатмайди, ҳайдаворади. Шуни билиб ота-онасизга айтмайди. - Уйига борамиз унда, гаплашиб кўрайчи. - Мени айтганимни айта кўрманг, лекин опа. Биласиз у қўшнимнинг феълени. Маҳалладагилар аввал ўзлари, худди хонадонлардаги вазиятни ўрганиб юргани каби ўша уйга бирров оралашди, вазият-ни ўрганишди, оила аъзоларининг барчаси

билан алоҳида сўхбатлашмишди. Орадан бирор ҳафта ўтиб хотин-қизлар билан шуғулланувчи профилактика инспектори билан келишди. Келинчақ зўр-базўр гапириб берди бошидан ўтаётган зуғумларни. Босиқлик ва хотиржамлик билан оила аъзоларига бугун таъзиқ ва зўравонлик бўйича мамлакатда олиб борилаятган ишлар ҳақида тушунча берилди. Келинчақнинг ҳолидан хабар олина бошланди.

Кўшнингизникида нотинчлик. Индамай турманг...

Бизнинг мамлакатда таъзиқ ва зўравонликка қарши кураш худди оила билан қурашдай кўринганда ҳали бу ҳақда илк фикрлар, маълумотлар тарқала бошлаганда. Сабаби, бу масалада зўравонни жазолаш оиланинг бузилиб кетишига сабаб бўлиши шунчалик аниқ эдики, буни аксар ҳолларда

аёлнинг ўзи истамай қолар, кейин даввосидан осонгина воз кечиб қўя қоларди. Аҳоли онгида ҳам «эрнинг калтагини емаган хотин борми» каби фикрлар шунчалик ўрнашиб кетган эдики, бундай қарашлар ушбу иллат билан курашнинг йўлига қайта-қайта ғов бўлаверар эди. Баъзан эр-хотин ўртасига тушган одам айбдор бўлиб қоларди, ҳатто.

Хўш, бугун, ҳалиям бу масалада фикрлашимиз жуда илғорлашиб кетмаган бир пайтда таъзиқ ва зўравонликка қарши курашда ички ишлар идоралари қандай йўл тутаяпти? Умуман, «оилаларни ишимизга милиса аралаштирган хотин билан икки дунёда ҳам яшамайман» деган ақида онгимизга ўрнашиб қолган муҳида зўравонлик билан курашда қандай йўللardan фойдаланилмоқда?

Зўравонликнинг олдини олишда ҳар бир оилага индивидуал ёндашув талаб этилади, - дейди вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Сайёра Жумаева. - Баъзи оилаларда рафиқасини ҳимоя қилиш учун очик-ошкор борсангиз, бундай ҳолат оилалараро уруш-жанжалларни келтириб чиқариб, акс таъсирини кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир маҳаллада ўша

зўравонлик содир бўлган, нотинчликлар мавжуд оила аъзоларини яхши танийдиган инсонлар ҳамкорлигида тушунтириш ишлари олиб борилади. Баъзи оила аъзолари билан қатъийроқ гаплашиш лозим. Одатда нотинч, зўравонлик содир бўлаётган оилалардаги вазиятни яхшилаш учун бир марта тушунтиришнинг ўзи етмайди, улар доим назоратда бўлиши керак. Шунча пайти қўни-қўшнilar, қариндошларнинг ҳам фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Яъни агар ўша оилада содир бўлаётган нотинчликни сезган, дарҳол бу ҳақда телефон орқали мурожаат қилишса, турли ноҳуш вазиятларнинг олди олинган бўларди. Кейинги пайтларда фаолларнинг шундай мурожаатлари пайдо бўлаётгани қувонarli албатта. Сабаби баъзи аёллар турмуш ўртоғидан йиллаб қалтак еб келган, аммо буни айтишни истамайди. Мана шундай ҳолатларда ҳам атрофдагиларнинг бефарқ эмаслиги муҳим.

19 КУН ИЧИДА 551 ОИЛАДА НОТИНЧЛИК АНИҚЛАНДИ

Зўравонликнинг олдини олиш мақсадида вилоят миқёсида ўтказилаётган "Таъзиқ ва зўравонликка қарши курашиш ойлиги" махсус

Таъзиқ ва зўравонликка қарши курашиш ойлиги

профилактик тадбирига бугунги кунда 1190 нафар ИИО ходимлари, яъни профилактика инспекторлари ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар, шунингдек 1814 нафар жамоатчилик вакиллари жалб этилди, - дейди Самарқанд вилоти ички ишлар бошқармаси хотин-қизлар билан ишлаш бўлими катта инспектори Нилуфар Сатторова. - Тадбир давомида, яъни 20 сентябрь кунидан октябрь ойининг ўнинчи санасига қадар 4557 оила ўрганилиб, келишмовчилиги мавжуд бўлган 551 оила аниқланди. Бу оилаларда профилактика инспекторлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари, тиббиёт бирлашмалари ҳамда бандлик бўлимлари масъул ходимлари билан биргаликда профилактика ишлари олиб борилди. Натижада 113 муаммо аниқланиб, шундан 74 таси жойида ижобий ҳал этилди, 97 ҳолатда нотинчликка барҳам берилди, 37 ҳолатда ажрим ёқасига келиб қолган оилалар ўзаро яраштирилди.

Олиб борилаётган тадбир давомида оила турмуш муносабатлари доирасида хотин-қизларга нисбатан таъзиқ ва зўравонлик содир этган 150 шахс аниқланиб, худудий профилактика инспекторлари ва хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар томонидан жабрланган хотин-қизларга тегишли тартибда "ҳимоя ордерлари" расмийлаштирилиб, ордерда белгиланган чеклов талаблари бўйича батафсил ҳуқуқий тушунтириш ишлари олиб борилди.

Гулруҳ МЎМИНОВА.

Буюк ипак йўлидаги мустаҳкам кўприк

Самарқанд – Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган. Тарихий китобларни арақлайдиган бўлса, бу кўҳна кент орқали Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилганига гувоҳ бўламиз.

Милоддан аввалги V-IV асрларда Александр Македонский барпо этган қудратли империя ўз сарҳадини кенгайтириш мақсадида Шарққа юриш қилиб, Ҳиндистонга қадар боровчи карвон йўлларини очди. Юнонлар Марказий Осиёни ишғол қилганларида ерли халқнинг бой тарихи, урф-одатлари ва илму амалларига дуч келади, улардаги маъқул жиҳатларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Александр Македонский қадимги Суғд, яъни Самарқанд заминида келган вақтида зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»дан бир қатор бобларни таржима қилдиради. Ундан юз йил олдин эса машҳур юнон тарихчиси Геродот ўзининг «Тарих» китобида қадим Турон замини баҳодир Алп Эр Тўнга (Афросиёб) ва массагетлар маликаси Тўмарис ҳақидаги ҳикоятларга кенг ўрин берган. Ёки милоддан аввалги VII-VI асрларда битилган Гомернинг «Иллиада» ва Зардуштининг «Авесто» китобларида тасвирланган оташ худолари Зевс ва Ахурамазда ёхуд «Одессея»даги пахлаван Одессей билан «Алпомиш»даги Алпомиш сийратлари ўртасидаги ўхшаш жиҳатлар Ғарб ва Шарқ халқлари ўтмишида бир-бирига вобаста шакланган воқеликлар андازаси эмасмикин?..

VII-VIII асрларда арабларнинг Марказий Осиёни босиб олиши, Испаниянинг Андулусия вилоятига қадар етиб бориб, ислом дини ва ислом маданиятини ёйиши ҳам Буюк ипак йўли сарҳадларининг кенгайишига, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқ,

дипломатик ва маданий алоқаларнинг кейинги равнақиға имкон яратди.

IX-X асрларда Шарқда шакланган ислом цивилизацияси (Шарқ Ренессанси) даврида Марказий Осиё худудиде етишиб чиққан ал-Фароний, ал-Хоразмий, ал-Фаробий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний каби буюк алломалар ҳам қадимги юнон-рим фалсафаси, фалакиёт, тиббиёт, фикҳ ва адабиёт илмларини муфассал ўрганишган, ўз асарларида икки иқлим илмини вобаста талқин этиб, бой назарий ва амалий кашфиётлар яратилган. Бу кашфиётлар кейинчалик араб тилидан лотинчага ўгирилиб, бутун Европага тарқалган.

XIII-XIV асрларда майдонга чиққан мўғул хонлиги Хитойдан Польшага қадар катта ҳудудда ўз ҳукмини ўтказган эди. Улар ҳукмонлиги даврида Буюк ипак йўлининг мавқеи янада ошди, сарҳадлари кенгайди. Ғарб қиролликларидан мўғул хонлиги ва унинг пойтахти Қорақурум, ундан ўтиб Хон-балиқ (Пекин)гача карвон йўллари орқали элчилар, савдогарлар, монах ридосидаги миссионерлар оқиб кела бошлаган. Сабаби, Ғарб қироллари ҳар қандай шароитда мўғул хонлиги билан алоқалар ўрнатиб, келишув битимлари тузиб уларнинг Ғарбий Европага юришини тўхтатиб қолишга интиларди.

Мўғул хонлигига йўл олган биринчи папа Иннокентий IV йўллаган монах Пано Карпини 1245 йилнинг 16 апрелида Франциянинг Лион шаҳридан йўлга чиқади ва Алп тоғларидан ошиб, рус ерлари орқали Волгабўйига

етиб келади. У Сарой шаҳрида Хон Ботухон ҳузурда ҳозир бўлиб, ўз хўжасининг ёрлигини унга топширади.

1247 йилнинг 9 июнида ватанига қайтиб келган монах Пано Карпини папа Иннокентий IV га мўғул хонлиги, унда яшаётган халқларнинг турмуш шароити, диний мазаблари, этник тартиби ва тил хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи ҳисоботини топширади. Пано Карпинининг ушбу кундалиги кейинчалик «Мўғуллар тарихи» (1965 йил) номи билан нашр этилди. Пано Карпини изидан 1245 йилда Франциянинг Лион шаҳридан йўлга чиққан Аскелин де Лонжюмо экспедицияси муваффақиятсиз якунланади. Аскелин де Лонжюмо 1245 йил қирол Людовик IX ёрлиги билан мўғул хонлиги сари иккинчи марта сафар қилади.

Ғарбдан Шарққа, Буюк ипак йўли бўйлаб мўғул хонлиги салтанатига сафар қилганлардан яна бир Франция қироли Людовик IX элчиси Гийом де Рубрук бўлиб, у ёзиб қолдирган «Шарқ мамлакатларига саёҳат кундалиги» китоби бизгача етиб келган. Мазкур китоб қўлёзмаси ҳозирда Кэмбриж университетининг кутубхонасида сақланмоқда. Ушбу китоб 1625 йилда инглиз, 1624 йилда француз ва 1911 йилда рус тилига ўгирилиб, чоп этилган.

Қирол Людовик IX Гийом де Рубрукни ёрлик билан элчи сифатида улуг хон Мунке ҳузурига йўллар экан, аслида бундан уч мақсадни – мўғуллар ишғол қилган юртларнинг жўғрофий ҳолати ҳақида маълумот олиш, Ғарб томон юриш қилиб келаётган мўғуллар билан тинчлик сулҳи тузиш, улар ишғол қилган худудларда яшайдиган христиан динидаги халқлар тақдирдан воқиф бўлиш ҳамда уларни ҳимоялашни кўзлаган эди.

Гийом де Рубрук ўз ҳамроҳлари билан Орол денгизининг шимолидан ўтиб, Сирдарё ёқалаб юради ва Киншат (Бишкек) орқали даштга чиқади. Ниҳоят, 1253 йил 27 декабрда Мунке хон қароргоҳига етиб келиб, хонга Людовик IXнинг ёрлигини топширишга муваффақ бўлади.

XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, италиялик сайёҳлар ҳам мўғул хонлигига саёҳат қилган. Улар орасида Венеция қироллиги фуқаролари – тоға-жиян Никола ва Маффео Пололар саёҳати жўғрофия илми тарихида муҳим аҳамият касб этади. 1260 йилда Константинопол (Истанбул) дан йўлга чиққан тоға-жиян 1266 йилда Хитой ерларигача борган. Ўз акаси ва амакиси билан бу саёҳатда иштирок этган ёш Марко Поло (1254-1324) орадан 4 йил ўтиб, яъни 1271 йилнинг май ойида мустақил йўлга чиқади ва Хитойга боргач, у ерда 17 йил муқим яшаб қолади. У 1295 йилда денгиз йўллари орқали ватани Италияга қайтиб келади.

Марко Поло отаси ва амакиси билан қилган биринчи саёҳати ҳамда ўзининг иккинчи саёҳати давомида кўрган-кечирганларини 1298 йилда котибларга айтиб ёздирди. Унинг «Китоб» деб номланган ушбу йўл хотираларида тасвирланишича, тоға-жиян Пололар Константинополдан йўлга чиқиб Қримдан Дон дарёси томон юрган ва Волгани кечиб ўтиб, Уралнинг шимолигача боришган, сўнгра орқага қайтиб Орол денгизи қирғоқларига етиб келишган. Оролнинг жанубидан юриб, Амударёни кечиб ўтган ва Хоразм ерлари орқали Бухоро ҳамда Самарқанд шаҳарларида бўлишган, сўнгра Қашқар орқали Хитойга ўтган. Марко Поло иккинчи саёҳатини янги карвон йўллари йўналишида

давом эттиради. «Китоб»да Поло биринчи саёҳати даврида ўзи кўрган Марказий Осиёдаги йирик шаҳарларга қисқача таъриф келтириб ўтади. Биз унда Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари тавсифини ҳам ўқиймиз.

Марко Поло «Китоб»и, Гийом де Рубрукнинг «Шарқ мамлакатларига саёҳат кундалиги» ва Пано Карпинининг «Мўғуллар тарихи» китоблари илман ҳам, тарихан ҳам бой маълумотлар берувчи, бугунда ҳам аҳамиятга бўлган манбалардан ҳисобланади.

XIII-XV асрнинг биринчи ярмига қадар Венециядан Марказий Осиё бўйлаб Хитой ва Ҳиндистонга қадар чўзилган Буюк ипак йўли орқали европалик элчилар, сайёҳлар ва монахлар мўғул хонлигига қарам шаҳарларда кўним тогланлар. Ҳатто, улардан венгриялик Иоханн д' Ангри Бошқирдистонда, Журдон Катала ва Одорик де Перденон Эронда, Перегрини де Кастелло ва Монте Сорвино Хитойда, Жан де Кори Султонида, Томас Монкароло Самарқандда қурилган христиан черковларида епископлик қилиб, насроний динини тарғиб этганлар.

Ачинарли томони шундаки, мўғул босқинчилари XII-XIII асрларда Шарқ Ренессанси гултожи бўлган Марказий Осиё шаҳарларини вайронага айлантириб, мавжуд бойликларни талон-торож қилган бўлса, Ғарбдан келган миссионерлар Шарқ алломалари яратган қомусий асарларни ўз юртларига ташиб кетган. Айнан шу даврда ғарбликлар тарафидан олиб кетилган дидир қўлёзмалар Мадрид, Париж, Лондон, Константинопол ва Лион кутубхоналаридан жой олган.

Таниқли француз шарқшуноси Жан-Поль Рунинг таъкидлашича, ҳозир Лион шаҳри кутубхонасида туркий, форсий ва араб тилида битилган 250 та нодир қўлёзма сақланиб келинади.

Мухаммадҷон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари
доктори, профессор.



МАРКАЗИЙ БАНК

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БОШ БОШҚАРМАСИ

барча самарқандликлар ва шаҳримиз меҳмонларини

18


САМАРҚАНД ШАҲАР КУНИ

ОКТЯБРЬ –

билан табриклайди.

Амир Темур орденли навқирон шаҳримиз нафақат тарихий ёдгорликлари, балки замонавий кўриниши билан жаҳон аҳлини ўзига жалб қилмоқда.

ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, БУГУНИ САОДАТЛИ, КЕЛАЖАГИ АБАДИЙ ШАҲРИМИЗ ОСМОНИ ДОИМ МУСАФФО БЎЛСИН! ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА САЛОМАТЛИК, ОИЛАВИЙ БАХТ, ШАҲРИМИЗ РАВНАҚИ, ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ИШЛАРИНГИЗДА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!



Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ
ЕСТНИК

© МУАССИСЛАР:
халқ
депутатлари
Самарқанд
вилояти Кенгаши
ва вилоят
ҳоқимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
9 734 нусхада чоп этилди. Буюртма 597

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуг Турсунов кўчаси, 80-уй,
Матбуот уйи.

Газета "Зарифшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.


Навбатчи муҳаррир:
Ғ.ҲАСАНОВ.

Навбатчи:
У.ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Саҳифаловчи:
О.НАЗИРОВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X



9 772010 1667009